


109. «Олам ва одам, дин ва илм» китоби нашрдан чиқди



13:23 / 09.09.2019 2491

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Олам ва одам, дин ва илм» номли китоб сотувга чиқарилди. Ушбу китобнинг тантанали тақдимот маросими шанба куни – 14.09.2019 соат 10:00 да «Ҳилол» нашриётининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Барча китобхонларни тadbирга таклиф қиламиз. Тақдимотда китоб ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.

Китоб Шайх ҳазратларининг умрларининг сўнгида ёзилган асарлардан бири бўлиб, ҳазратдан сўнг китоб нашрга тайёрланди ва 2017 йилда чоп этишга рухсат олинди...

Китобда олам ва одам, дин ва илм борасида Ислom ва Ғарбнинг қарашлари ҳақида баҳс қилинади. Хусусан, илм, тозалик, фалсафа, инсоннинг

яралиши ва бошқа мавзуларда алоҳида тўхтанган.